XALQ DEPUTATLARI XIVA TUMANI KENGASHI
QARORI

220911, Xiva tumani, Shomoxulum mahallasi, Tinchlik ko‘chasi, 121-uy

2021 - yil 30 - dekabr VI-52-49-12-176-K/21 Xiva tumani hokimligi

Хива туманнинг 2022 йили маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “2022 йил учун Ўзбекистон республикаси бюджети” тўғрисидаги қонунлари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-40-56-12-0-K/21-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги 02/38/43-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Хива туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) мувофиқ, Хива тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 77 188,0 млн.сўм, харажатлари 165 541,0 млн.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 88 353,0 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 6-иловага мувофиқ белгилансин.

9. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорга 1 гектарга белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорига 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага мувофиқ белгилансин.

12. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-40-56-12-0-K/21-сонли қарорига мувофиқ 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) Туман маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

давлат активларини фойдаланишга (ижарага) беришдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига

мувофиқ.

б) 3-иловага мувофиқ қуйидаги солиқ турлари вилоят ва туман бюджети ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

13. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Мейлиев, Молия бўлими Б.Рузметов, Давлат солиқ инспекцияси Х.Хасанов масъул ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

14. Давлат солиқ инспекцияси Х.Хасанов Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтиришга;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўришга;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва

камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказишга;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

15. Давлат солиқ инспекцияси Х.Хасанов, Кадастр агентлиги Хива тумани бўлими Р.Ниязметов 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

16. Давлат солиқ инспекцияси Х.Хасанов, тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

17. Мажбурий ижро бюроси Хива туман бўлими М.Саидов, Давлат солиқ инспекцияси Х.Хасанов билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга

ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

18. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими М.Исмаилова жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

19. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Мейлиев тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра туманда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auksion» майончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

20. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Мейлиев тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

21. Ирригация тизими бўлими У.Саиджанов ва туман солиқ инспекцияси Х.Хасанов туман ҳокимининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ

ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

22. Туман молия бўлими Б.Рузметов:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишлари кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи хар чоракда эшитиб борилсин.

23. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

Маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

24. Туман ҳокимлиги:

Хива туман маҳаллий бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик

фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, туман ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг
тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

25. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Мейлиев, тегишли муассаса ва ташкилотлар билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган
чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

26. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

27. Мазкур қарор “Хива тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

28. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Хива туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси **О.С.Машарипов**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-K/21-сон қарорига
1-илова

Хива туман маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

Даромад турлари		Сумма минг сўм
1	Корхоналар айланмасидан солиқ	6 729 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	17 179 500
3	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	458 000
4	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	6 846 000
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 923 000
6	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 323 000
7	Юридик шахслар ер солиғи	5 960 000
8	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 547 000
9	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	728 000
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 396 000
11	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	238 000
ЖАМИ		**53 327 500**
	Мобиль алоқа хизмати, тамаки маҳсулоти ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**23 860 464**
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	9 030 930
2	Мобиль алоқа хизмати	5 144 988
3	Тамаки маҳсулоти	9 684 546
ЖАМИ ДАРОМАД		**77 187 964**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Хива тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**165 540 931,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**165 540 931,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бўлими**	**14 194 431,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	14 194 431,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**7 551 970,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 551 970,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш бўлими**	**68 453 442,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	68 453 442,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бўлими**	**1 491 859,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 491 859,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**2 262 575,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 262 575,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Тиббий-ижтимоий хизматлар**	**16 764,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 764,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Ирригация бўлими**	**1 015 138,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 015 138,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**310 567,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	310 567,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**1 064 704,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 064 704,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Молия бўлими**	**770 034,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	770 034,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**8 164 117,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 164 117,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**784 315,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	784 315,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**495 313,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	495 313,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Ҳокимият**	**54 446 329,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	54 446 329,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Халқ қабулхонаси**	**40 116,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	40 116,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Халқ депутатлари Кенгаши котибяти**	**175 345,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	175 345,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Махалла ва оилани куллаб-кувватлаш бўлими**	**446 511,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	446 511,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**3 857 401,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 857 401,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Хива туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Айланмадан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўловлари
1	**Хива тумани**	**100**	**50**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
4-илова

Маҳаллий бюджетларнинг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Хива туман	**77 187 964,0**	**165 540 931,0**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-K/21-сон қарорига
5-илова

Хива туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Хива туман	**89 745 082,0**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
6-илова

Хива туман маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаси миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Заҳира жамғармалари миқдори
1	Хива туман	1 561 650,0

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
7-илова

Хива туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/рҲудуд номи	Миқдор
1 Хива туман	**889 000,0**

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
8-илова

Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорга 1 гектарга белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

сўмда

№	Маҳалла номи	2022 йил учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициет (0,7 дан 3 гача)	2022 йил учун Ер солиғи ставкаси
1	Истиқлол МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
2	Хорвуз МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
3	Шомохулум МФЙ	31 030 000,0	1,1	34 133 000,0
4	Варангзон МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
5	Чанашик МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
6	Парчанхос МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
7	Пана Максим МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
8	Қушчи каттабоғ МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
9	Аваз Дунак МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
10	Дашёқ МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
11	Гулшан МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
12	Қора қум МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
13	Бўстон МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
14	Оқ ёп МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
15	Гандимён МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
16	Полосултон МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
17	Ал-Хоразмий МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
18	Пирнахос МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
19	Пишканик МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
20	Соёт МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
21	Соёт-чинобод МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
22	Оқ кўл МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
23	Шўр-кўл МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
24	Қаттибош МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
25	Журён МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
26	Арвик МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
27	Индавак МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0

28	Сапча МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
29	Ғовук МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
30	Серчали МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
31	Атажон тўра МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
32	Париша МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
33	Хазрати Хайит Эшон МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0
34	Қумёп МФЙ	31 030 000,0	1,0	31 030 000,0

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-K/21-сон қарорига
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорига 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

сўмда

№	Маҳалла номи	2022 йил учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициет (0,7 дан 3 гача)	2022 йил учун Ер солиғи ставкаси
1	Истиқлол МФЙ	278,0	1,0	278,0
2	Хорвуз МФЙ	278,0	1,0	278,0
3	Шомохулум МФЙ	278,0	1,1	305,8
4	Варангзон МФЙ	278,0	1,0	278,0
5	Чанашик МФЙ	278,0	1,0	278,0
6	Парчанхос МФЙ	278,0	1,0	278,0
7	Пана Максим МФЙ	278,0	1,0	278,0
8	Қушчи каттабоғ МФЙ	278,0	1,0	278,0
9	Аваз Дунак МФЙ	278,0	1,0	278,0
10	Дашёқ МФЙ	278,0	1,0	278,0
11	Гулшан МФЙ	278,0	1,0	278,0
12	Қора қум МФЙ	278,0	1,0	278,0
13	Бўстон МФЙ	278,0	1,0	278,0
14	Оқ ёп МФЙ	278,0	1,0	278,0
15	Гандимён МФЙ	278,0	1,0	278,0
16	Полосултон МФЙ	278,0	1,0	278,0
17	Ал-Хоразмий МФЙ	278,0	1,0	278,0
18	Пирнахос МФЙ	278,0	1,0	278,0
19	Пишканик МФЙ	278,0	1,0	278,0
20	Соёт МФЙ	278,0	1,0	278,0
21	Соёт-чинобод МФЙ	278,0	1,0	278,0
22	Оқ кўл МФЙ	278,0	1,0	278,0
23	Шўр-кўл МФЙ	278,0	1,0	278,0
24	Қаттибош МФЙ	278,0	1,0	278,0
25	Журён МФЙ	278,0	1,0	278,0

26	Арвик МФЙ	278,0	1,0	278,0
27	Индавак МФЙ	278,0	1,0	278,0
28	Сапча МФЙ	278,0	1,0	278,0
29	Ғовук МФЙ	278,0	1,0	278,0
30	Серчали МФЙ	278,0	1,0	278,0
31	Атажон тўра МФЙ	278,0	1,0	278,0
32	Париша МФЙ	278,0	1,0	278,0
33	Хазрати Хайит Эшон МФЙ	278,0	1,0	278,0
34	Қумёп МФЙ	278,0	1,0	278,0

Халқ депутатлари Хива туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-52-49-12-176-К/21-сон қарорига
10-илова

Хива тумани юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 2022 йил учун белгиланган минимал

МИҚДОРЛАР

сўмда

№	Маҳалла номи	2022 йил учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициет (0,7 дан 3 гача)	2022 йил учун Юридик шахсларнинг бино ва иншоотларининг 1 кв.метр учун солиқ базаси
1	Истиқлол МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
2	Хорвуз МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
3	Шомохулум МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
4	Варангзон МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
5	Чанашик МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
6	Парчанхос МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
7	Пана Максим МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
8	Қушчи каттабоғ МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
9	Аваз Дунак МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
10	Дашёқ МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
11	Гулшан МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
12	Қора қум МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
13	Бўстон МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
14	Оқ ёп МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
15	Гандимён МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
16	Полосултон МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
17	Ал-Хоразмий МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
18	Пирнахос МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
19	Пишканик МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
20	Соёт МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
21	Соёт-чинобод МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
22	Оқ кўл МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
23	Шўр-кўл МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
24	Қаттибош МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
25	Журён МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0

26	Арвик МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
27	Индавак МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
28	Сапча МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
29	Ғовук МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
30	Серчали МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
31	Атажон тўра МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
32	Париша МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
33	Хазрати Хайит Эшон МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
34	Қумёп МФЙ	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0